



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI**

**BUYRUQ**

2020 yil "21" oktyabr

195-ИЧ son

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати, ходимлар орасида коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини янада кучайтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати, ходимлар орасида коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини кучайтириш, амалга оширилаётган ишлар мақсадлилиги ва самарадорлигини янада ошириш, "Фуқаролар меҳнат органларидан рози бўлиши керак" тамойилини сўзсиз амалга оширишни давом эттириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш ва унинг ҳар қандай кўринишларини олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3001-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1066-сон қарорига мувофиқ,

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати, ходимлар орасида коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини кучайтириш, амалга оширилаётган ишлар мақсадлилиги ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш дастури 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик марказий аппарати тузилмалари, ҳудудий ва тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари доимий равишда, тизимда коррупциявий ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш, коррупцион хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш мақсадида, **барча турдаги буйруқлар, шартномалар ҳамда шартномавий тусдаги бошқа ҳужжатлар** лойиҳалари мажбурий тартибда Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимига масъул ходим билан келишилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари **бир ҳафта муддатда**:

Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган мутахассис лавозимини жорий этсин;

бунда, тасдиқланган штат жадвалига кўра ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида “Меҳнат стандартлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими”нинг “ЯММТ ИДАКни жорий этиш бўлимнинг етакчи мутахассис штат бирлиги ҳисобидан ташкил этилсин;

Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимига масъул бўлган ходимлар “Меҳнат стандартлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими”нинг амалда фаолият юритаётган ходимларидан танлов асосида шакллантириш тавсия этилсин.

4. Вазирлик тизимига кирувчи ташкилотлар раҳбарларига:

**бир ҳафта муддатда** ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотда Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимига масъул шахс ёки тузилмани ташкил этсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимига масъул ходимлар олий маълумотга ва мутахассислиги бўйича камида бир йиллик иш тажрибасига эга бўлиши керак;

Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимига масъул ходимлар вазирликка бўйсунди ва Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси бошлиғига ҳисобдор бўлиб, вазирлик билан келишилган ҳолда ҳудудий бошқармалар, тасарруфий ташкилотлар томонидан лавозимга тайинланади, интизомий жазога тортилади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

6. Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” тизимига масъул ходимлар лавозимига қуйидаги шахслар тайинланиши мумкин эмас:

аввал меҳнат органида ишлаган ва ўзига юклатилган хизмат мажбуриятларни бажармаганлиги учун лавозимидан озод этилган шахслар;  
суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар.

Коррупцияга карши курашиш “Комплаенс назорат” тизимига масъул ходимлар вазирлик топшириғи асосида ҳамда лавозим йўриқномаси билан тасдиқланган вазифа (функция)ларни бажаради.

7. Масъул ходимларининг фаолиятига замонавий усулларни жорий этиш орқали уларнинг касбий даражасини ошириш бўйича Меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш республика курслари (У.Султанов) Коррупцияга карши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси (А.Абдукаримов) билан биргаликда киришиш-мослашиш курсларини ташкил қилсин.

8. “Комплаенс назорат” шўъбаси (А.Абдукаримов) ва Кадрлар бошқармаси (А.Эгамов)га:

**бир ҳафта муддатда** вазирликнинг Коррупцияга карши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси ва масъул ходимнинг лавозим мажбуриятларини ишлаб чиқиш ва масъул ходимларга етказиш;



ходимлар фаолиятини ташкиллаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

9. Девонхона мудирини (А.Раимжанов) **бир кун муддатда** мазкур буйруқнинг Вазирлик марказий аппарати тузилмалари, ҳудудий ва тасарруфий ташкилотларга етказилишини таъминласин.

10. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

Н.Хусанов



Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазирининг  
2020 йил “21” октябр даги  
1954 сон буйруғига  
1-илова

## Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш СИЁСАТИ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати (кейинги ўринларда Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати деб юритилади) ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида меҳнат органларининг юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, меҳнат органларининг ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради.

2. Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари – Фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик деб юритилади) ҳудудий ва таркибий тузилмалари ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати фаолиятининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда қабул қилишлари, коррупцияга қарши курашиш механизмларини, мавжуд бўлган коррупция хавфи, тажрибаси ва мавжуд манбалари асосида ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим.

4. Вазирликнинг марказий аппарати ва ҳудудий ва тасарруфий ташкилотларда (кейинги ўринларда – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар деб юритилади) коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш;

аҳолининг бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

5. Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати Вазирликнинг ички ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.

6. Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатнинг талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъий назар Вазирлик билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларга, шу жумладан, ҳудудий меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларига тадбиқ этилади.

7. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларга ишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати билан имзо қўйган ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

8. Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалар қўлланилади:

**иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари манфаатларида фаолият давомида ҳамкорлик ўрнатиш ва (ёки) қўллаб-қувватлашга алоқадор харажатлар, шу жумладан, ишбилармонлик билан боғлиқ кечки овқат, транспорт ва яшаш харажатларини қоплаш билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.;

**коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилганлиги тўғрисида виждонан хабар бериш** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходими томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги (содир этишга суиқасд қилинганлиги) тўғрисида рухсат этилган алоқа каналлари орқали асослилигига ишонч ҳосил қилган ҳолда йўллаган муурожаат;

**контрагент (шартномавий шерик)** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**коррупция** – шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида конунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни конунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкӣ тусдаги хизматларни, бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** – қўлланиладиган амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқӣ фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

**коррупциявий хавф-хатар** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

**манфаатлар тўқнашуви** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги, унинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловлар** – белгиланган тартиб-таомиллар бажарилишини таъминлаш ёки тезлаштириш, тегишли

қонунчилик, нормалар ва қоидаларда назарда тутилмаган ҳаракатлар содир этиш учун ғайриқонуний равишда бериладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, хизматлар ва бошқа моддий ёки номоддий наф;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

**ходим** – меҳнат органи билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

**яқин қариндошлар** – ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалар ва опа-сингиллар, эр (хотин), фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, шунингдек эрнинг (хотиннинг) ота-онаси;

## **2-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари**

9. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш тизимини қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширади:

**қонунийлик** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Вазирлик тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

**коррупцияга тоқатсизлик** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади;

**очиқлик ва шаффофлик** – Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари ва контрагентларини, кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

**коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг превентивлиги, тизимлилиги ва ўзаро боғлиқлиги** –

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар коррупциявий хатти-харакатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради. Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ келади ҳамда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг барча функциялари ва йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилган;

**коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги** – коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Вазирлик тизими ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Вазирликнинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

**техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;

**тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш** – Вазирлик тизимининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз идора раҳбари ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига мурожаат қилиши мумкин;

**фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ўзларига юклатилган функцияларни бажаришда фаолиятини ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб этадилар;

**коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш** – коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда кучайтириш чораларини кўрадилар.



### 3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимнинг элементлари

10. Коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилига таянган ҳолда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг барча ходимларига коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этиши, яъни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора, яъни пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкий тусдаги хизматларни беришни талаб қилиш, товламачилик қилиш, ваъда бериш ва пора бериш, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, шахс томонидан пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

11. Қуйидагилар меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ҳисобланади:

*а) коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатлар мавжудлиги, яъни меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини:*

Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда акс эттирилган тамойиллар ва талабларни ташкил этади;

*б) “Юқоридан қуйига муносабат” – Юқори даражада раҳбарлик намунаси:*  
меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахслар билан муносабатларда ҳалол, адолатли ва мустақил ҳуқуқ-атвор намунаси бўлишлари керак;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вазир ўринбосарлари, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари коррупцияга қарши курашиш самарали тизимни яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали етакчиликни намойиш этадилар:

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятининг хавф-хатарга эга функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши курашиш самарали чора-тадбирлар ва тартибларни жорий этиш, шу жумладан,

коррупцияга қарши курашиш дастури/йўл харитасини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали кўмаклашиш;

ўз мансаб мажбуриятларини бажариш доирасида, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига мурасасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш ва ахлоқий хулқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлиш;

*в) коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш:*

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар функцияларининг хусусияти, ташкилий тузилмаси, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро фаолият олиб боришига ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятига хос бўлган коррупциявий хавф-хатарлар аниқланади ва баҳоланади;

коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш доирасида меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарга кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади, уларда мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган хавф-хатарларни камайтириш учун етарлилиги жиҳатидан таҳлил қилинади. Хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси (кейинги ўринларда - “Комплаенс назорат” шўъбаси деб юритилади)нинг фаол қўллаб-қувватлаши ва назорати остида меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг тегишли раҳбарлари, коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи шахслар иштирок этади;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг коррупциявий ҳаракатларга “мутлақо тоқатсизлик”ни ҳисобга олган ҳолда меҳнат органлари коррупциявий хавф-хатарларнинг юзага келиш эҳтимоли ва таъсир қилиш даражасидан қатъи назар уларни бошқариш заруратини тан олади;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилига камида бир марта амалга оширилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ва меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади шунингдек, аниқланган хавф-хатарларни камайтирувчи коррупцияга қарши курашиш

чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш дастурларида акс эттирилади.

*г) коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар:*

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида Вазирликнинг марказий аппаратида коррупцияга қарши курашишни шакллантириш ва назорат қилиш жараёни учун масъул бўлган алоҳида таркибий тузилма – “Комплаенс назорат” шўъбаси ташкил этилган;

“Комплаенс назорат” шўъбаси вазирликда коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларни амалга оширишда етарли даражада мустақилликка ва муҳим ресурсларга эга бўлиб, бевосита Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига бўйсунди ва ўз фаолиятини вазир томонидан тасдиқланган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун ҳудудий ва тасарруфий ташкилотларда рухсат этилган лавозимларга коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштириш функцияси юклатилиши мумкин. Коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштириш функциялари Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари ҳамда бўйсунувдаги муассасаларда юқори даражада коррупциявий хавф-хатарга эга бўлмаган, шунингдек, етарли даражада мустақил бўлган ходимига юклатилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари ҳамда бўйсунувдаги муассасаларнинг коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчилари коррупцияни бартараф этиш чораларини кўради, шу билан бирга, ўзига юклатилган вазифалар доирасида “Комплаенс назорат” шўъбаси билан ҳамкорлик қилади;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг Кадрлар ишларига масъул тузилма (бошқарма, бўлим/инспектор) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси қонун

хужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда ва ҳажмда ходимлар ва алоқадор шахсларнинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тизимли йиғиш, таҳлил қилиш ва янгилаб бориш учун жавобгар бўлади;

Бундан ташқари, меҳнат органининг одоб-ахлоқ комиссиялари ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Кадрлар ишларига масъул тузилма (бошқарма, бўлим/инспектор)дан келиб тушган маълумотларни кўриб чиқади ва (манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом билан тартибга солинмаган ҳолларда) уни ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилади ёки аниқланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ёхуд етарли эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши масалаларини кўриб чиқади. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш доирасида Кадрлар ишларига масъул тузилма (бошқарма, бўлим/инспектор) ва Одоб-ахлоқ комиссиялари (ёки шунга ўхшаш комиссиялар) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом асосида иш юритади;

*д) аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоралари:*

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ўз фаолияти ва функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарли йўналишларда умумий назорат муҳитини ва коррупцияга қарши курашиш назорат ҳамда тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплаенс тизимини жорий этадилар.

Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф-хатар даражасига мутаносиблиги, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари учун қатъийлиги ва аниқлиги, фуқаролик жамияти учун шаффофлигини таъминлашга интиладилар;

Амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат чоралари ва тартиб-таомиллар меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури/режаси/йўл харитасида акс эттирилади ҳамда тегишли ички хужжатларда белгиланади;

*е) ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш:*

Коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида, мазкур Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати ва меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги асосий маълумотлар уларнинг Интернет тармоғидаги расмий веб сайтларига жойлаштирилади.

Бундан ташқари, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари ва коррупцияга қарши курашиш жорий этилган тамойиллар ва талаблар ҳақида меҳнат органлари ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилиш ва тушунтириш бўйича қуйидагилар орқали барча оқилона хатти-ҳаракатларни амалга оширади:

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларини йилига камида бир марта коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича доимий ва тизимли ўқитиш, шу жумладан, ишга янги қабул қилинаётган ходимларни ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа ички ҳужжатлар билан мажбурий тартибда таништириш билан биргаликда уларни коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларда ўқитиш. Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча таълим дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқиш/тренинглар ҳақидаги маълумотлар Кадрлар бошқармаси (бўлимлари)да қонунчиликда белгиланган тартибда сақланади;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга муросасиз муносабатини шакллантириш бўйича ва коррупцияга қарши курашишда амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган тематик аудио- ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тадбирлар ўтказиш;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги, гумонлар ёки фактлар, коррупциявий хавф-хатарлар ва бошқалар (коррупция фактлари ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган усуллари тўғрисидаги батафсил маълумот мазкур Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг 4-бобида

назарда тутилган) ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари билан таъминлаш;

мазкур Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати қоидаларини қўллаш ёки “Комплаенс назорат” шўъбаси/коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи томонидан коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар келиб чиққанда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларига маслаҳатлар бериш;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларининг меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши курашиш қоидаларни киритиш;

тасдиқланган режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул шахс томонидан коррупцияга қарши курашиш хулқ-атвор юзасидан ташвиқотлар ўтказиш;

контрагентларни коррупцияга қарши курашиш қабул қилинган талаблар ва тамойиллар ҳақида, шу жумладан, улар билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус шартларни киритиш тўғрисида хабардор қилиш ва ҳ.к.;

*г) мониторинг, назорат ва ҳисобот:*

“Комплаенс назорат” шўъбаси Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашишда амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради. Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрилади.

Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда мониторинг ва назорат қилишнинг қуйидаги тартиб-таомиллари амалга оширилади:

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар фаолияти ва функцияларидаги ўзгаришлар, уларнинг ташкилий-функционал тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларнинг меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини, мазкур тизимга ўзгартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

тасдиқланган режага мувофиқ самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш

мақсадида танлов асосида вазирлик тизимидаги функциялар ва ички жараёнларни мониторинг қилиш;

ички ва (ёки) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш;

“Комплаенс назорат” шўъбаси/коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ва бошқа таркибий тузилмаларга юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш ва ҳ.к.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини назорат қилиш ва мониторинги бўйича чора-тадбирлар натижалари вазир, Вазирлик ҳайъати ва Вазирлик тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг йиллик ҳисоботларида ўз аксини топади.

*з) ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш:*

Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатида амал қилиш ва Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга риоя қилиш ҳар бир ходим учун ўз хизмат мажбуриятларини бажарилиши доирасида мажбурийдир. Ходимлар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларнинг бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар. Бундан ташқари, бевосита раҳбарлар ўз бўйсунувидаги ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

коррупцияга қарши курашишга оид белгиланган талаблар ва тамойилларни бузган меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиладилар;

ходимлар уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай муурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида тўғридан-тўғри Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбасига хабар беришлари шарт;

коррупцияга мутлақо тоқатсизлик тамойилини ҳисобга олган ҳолда, Вазирлик тизимида меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан

боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва ички ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилади. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини ва (ёки) мазкур Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати ва меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган коррупцияга қарши талаб ва тартиб-таомилларни бузган ходимлар, уларнинг лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган доирада ва асосларда жавобгарликка тортиладилар;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар, уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қиладилар ва доимий асосда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштирадилар;

Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва текшириш учун бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қиладилар.

#### **4-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари**

##### **§ 1. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш**

12. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва (ёки) меҳнат органлари манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг хизмат мавқеидан ва (ёки) меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларининг ўзларининг хизмат мажбуриятларини лозим даражада ва холис бажаришларига, жумладан, холис қарор қабул қилишга ҳамда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, мол-мулки ва (ёки) нуфузига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазиятда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

13. Вазирлик тизимининг ходимлари ишга қабул қилинишида, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ва тегишли вазиятлар/ҳолатлар юзага келишига қараб ошқор



қилишга мажбурдирлар. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал қилиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

## **§ 2. Совғалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари**

14. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш таъқиқланади.

15. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари томонидан расмий делегациялар таркибида, расмий тадбирларда, жумладан, хорижда олинган ҳар қандай совғалар суммасидан қатъий назар меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкилотларнинг мулкига ўтказилади.

16. Меҳнат органлари ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, боланинг туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

17. Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

совғалар меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг камида уч нафар ходимлари иштирокида берилиши;

совға бериш жарёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга олган ҳолда) 5 (беш) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги;

меҳнат органининг битта ходими бошқа ходимга совға учун сарфлайдиган харажат суммаси, ҳар бир ҳолатда 1 (битта) базавий ҳисоблаш миқдордан ошмаслиги керак.

18. Шубҳалар пайдо бўлмаслиги учун бошқа давлат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари, шериклар ва контрагентлар, ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг 15 ва 16-бандларида

кўрсатилмаган бошқа жисмоний ва юридик шахслардан ҳар қандай байрам (туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хатин-қизлар куни ва ҳ.к.ни инобатга олган ҳолда, бироқ бу билан чекланмасдан) билан боғлиқ ҳолда олинадиган, ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг 14-бандида санаб ўтилган совғалар ва бошқа моддий бойликларни олиш тақиқланади.

19. Вазирлик номидан халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (хизматга оид) йиғилишларда совғалар бериш Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири (ёки унинг ўринбосарлари)нинг буйруғи/харажатлар сметаси билан амалга оширилади.

20. Совғани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолларда меҳнат органи ходими “Комплаенс назорат” шўъбасига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

### **§ 3. Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш**

21. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларини танлаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва холис бўлиб, ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ келади.

22. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда уларнинг раҳбарлари, шунингдек, бошқарма ва бўлим бошлиқларини мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган, улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Ушбу кўрсаткичлар холис, ошқора ҳамда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

### **§ 4. Текширишларни ўтказиш ҳамда давлат органлари ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятини ўрганиш**

23. Турли хил текширишларни ўтказиш ҳамда давлат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – “Текшириш объектлари”) фаолиятини ўрганишда ваколатли меҳнат органлари ходимлари:

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;

объектни текшириш бир ходим томонидан (якка тартибда) амалга оширилмаслиги;

содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни сохталаштириш учун текшириш объекти вакилларининг саводсизлигидан фойдаланиб конун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган объект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш билан кўрқитмаслиги;

текширилаётган объектнинг ходимларига таҳдид қилмаслиги;

текшириш предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмасликлари ва ҳужжатларни сўрамасликлари.

Ваколатли меҳнат органи ходимлари текшириш давомида аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қонуний ва профессионал баҳо беришлари;

агар текшириш объекти вакиллари ваколатли меҳнат органи ходимларига аниқланган қонунбузарликларни яшириш учун пора ва (ёки) бирон-бир моддий қимматлик ёки хизматларни таклиф қилса, текшириш гуруҳи раҳбарини дарҳол хабардор қилишлари;

текшириш объекти вакилларига ваколатли меҳнат органи ходимларининг ахлоқий хулқ-автор тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлишлари шарт.

24. Хизмат мажбуриятига давлат органлари ва ташкилотларини текшириш кирадиган меҳнат органининг таркибий тузилмаларида ўтказилган текшириш натижалари бўйича ваколатли меҳнат органи (ёки ходимлари) томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан низолашиш учун апелляция инстанциялари ташкил этилади.

### **5-§. Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар**

25. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун маҳсулот етказиб берувчиларни, пудратчиларни ва бошқа учинчи томонларни жалб қилмайдилар.

26. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар контрагентлар билан муносабатларда ўз фаолиятини амалга оширишида қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қиладилар. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар танлашнинг ҳолис мезонларидан фойдаланишга

асосланган, маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олишнинг ҳаққоний, очиқ ва шаффоф жараёнини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва сотиб олинадиган маҳсулотнинг Вазирлик тизимининг ички ҳужжатлари билан тартибга солинадиган баҳосини аниқлашнинг шаффоф тартибини таъминлайдилар.

27. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар контрагент билан ўзаро ҳамкорлигида:

эҳтимоли юқори бўлган контрагентнинг ишончилигини, шу жумладан ўтмишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар давлат харидлари тўғрисидаги низомга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари доирасида Вазирлик тизими ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текширадилар;

эҳтимоли юқори бўлган контрагентни (танлов, тендер ғолибини ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид контрагентини) ўзининг коррупцияга қарши тамойиллари ва талаблари ҳақида улар билан тузиладиган шартномалар матнига коррупцияга қарши махсус шартларни қўшган ҳолда хабардор қиладилар.

## **§ 6. Хайрия ва ҳомийлик фаолияти**

28. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар қончиликда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва ҳомийликни қабул қилишлари мумкин. Бундай ёрдамни олган пайтда меҳнат органлари манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни қонунда ва (ёки) шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлаш, шунингдек Интернет тармоғидаги ўзининг расмий веб-сайтларида ёритиш бўйича имкон қадар барча чораларни қўришлари мумкин.

## **§ 7. “Сирли миждоз” тадбири**

29. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати ва тезлигини, шунингдек ҳаққоний ва очиқ танлов натижаларига кўра танлаб олинган мустақил ташкилотлар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига мойиллигини аниқлаш учун хизматларнинг ҳақиқий олувчилари сифатида алоҳида назорат тадбирлари ўтказилади. Давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида жалб этилган мустақил ташкилотлар бундай хизматларнинг

сифати, муддатлари, шартларини, шунингдек, вазирлик тизими ходимларининг белгиланган ахлоқ қоидаларига, шу жумладан ходимнинг пора олишга мойиллигини белгилаб боради.

30. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ўтказилган “сирли миждоз” тадбирлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқадилар ва коррупция хавфи аниқланган тақдирда хизмат текшируви тайинлаш ҳақидаги ташаббус билан чиқадилар.

### **§ 8. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш**

31. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларининг фаолиятини назорат қилиш учун меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар хоналарида видео ва аудио ёзув камералари жойлаштирилади, уларнинг ёзувлари меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан доимий равишда кузатиб борилади.

32. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг расмий веб-сайтларига коррупция хавфи юқори бўлган айрим жараёнлар жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш ва уларни синовдан ўтказиш, комиссия йиғилишлари ва бошқалар).

### **§ 9. Ички ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизаси**

33. Ички ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратадиган коррупциявий омиллар келиб чиқишини олдини олиш, аниқлаш ва истисно қилиш мақсадида ҳам экспертиза ўтказилади.

### **§ 10. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларига маслаҳат бериш**

34. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларида коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари, ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати қоидалари ёки меҳнат органларида коррупцияга қарши бошқа чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволлар бўлса, улар ўзларининг таркибий бўлинмаси/меҳнат органи ва (ёки) “Комплаенс назорат” шўъбасига ҳамда “+99871-200-06-00” ишонч телефониغا мурожаат қилишлари мумкин.

## 5-боб. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш

35. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари ва бошқа шахслар, агар улар Вазирлик тизими ходимлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) одоб-ахлоққа мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилса, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига гумон ёки содир этилганлиги фактлари бўлса, улар бу ҳақда вазирликнинг фойдаланиш мумкин бўлган алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

36. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг махфийлигини таъминлайдилар (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

37. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қиладилар ва қасос олишга қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, вазирлик тизимининг бошқа ходимларининг шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг коррупцияга қарши талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар берган шахсларни таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини кафолатлайдилар.

38. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қуйидаги алоқа каналлари орқали бериш мумкин:

“+99871-200-06-00” телефон рақами ва меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар томонидан ўрнатилган бошқа телефон рақамлар;

Меҳнат вазирлигининг “[t.me/mehnatvazirligi](https://t.me/mehnatvazirligi)” Телеграм канали;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган шакллар;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг электрон почта манзиллари;

тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.

39. Вазирлик тизимининг алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг ички ҳужжатларига мувофиқ Вазирлик тизимининг масъул бўлинмаси ёки ходими томонидан ҳолис тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

40. Аноним равишда (фақат меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг Телеграм каналлари орқали) юборилган хабарлар ҳам

кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Ўз номини ошкор қилинмаслигини истаган ариза берувчи бундай ҳолатда қуйидагиларни тан олади:

меҳнат органлари хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан боғлана олмайди;

меҳнат органлари зарур қўшимча маълумотларни олишнинг имконияти йўқлиги сабабли хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга ошира олмайди.

41. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар томонидан келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаат этувчи шахс билан қуйидаги ҳолатларда боғланилмайди:

тўлиқ ва кенг қамровли текшириш ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларнинг йўқлиги;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимининг қасдан ёлғон маълумотни тақдим этиши ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатини бузилиши ва ахлоқсиз хулқ-атворнинг намунаси сифатида қаралса, бундай шахс эса Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва вазирликнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

42. Вазирлик тизимида коррупция фактлари тўғрисида виждонан хабар берган меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг ходимлари, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, ички ҳужжатларга мувофиқ рағбатлантирилади.

### **6-боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

43. Ушбу Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тузатилиши керак:

амалдаги Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда;

коррупцияга қарши курашиш самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ва меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чоратadbирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;

вазирлик тизимининг ташкилий тузилмаси ва (ёки) меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар томонидан ўз вазифаларини бажариши хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда.

Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазирининг  
2020 йил “21” сентябр даги  
195-ш -сон буруғига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги  
тизимида коррупцияга қарши курашиш  
ДАСТУРИ**

**Биринчи бўлим. Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш Вазирликнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Вазирлик тизимида қонунийликни таъминлаш, ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш Дастурнинг асосий мақсадидир.

3. Қуйидагилар Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

коррупцияга қарши курашишда меҳнат органлари тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

коррупцияни келтириб чиқарувчи хавфни баҳолаш ва бошқариш;

меҳнат органлари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, тизимда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга, уларни олдини олишга ва чек қўйишга, оқибатларини, шунингдек ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;



дала марказлари жойлаштирилган худудларни мунтазам равишда маиший чиқиндилардан тозалаш ва ичимлик сув билан таъминлаш ҳамда ёнғин профилактикаси ишларини ташкил этсин;

“Худудий электр тармоқлари” АЖ билан биргаликда дала марказларини ташки ва ички ёритиш, шу жумладан чодирлар, санитария-гигиена пунктларини маҳаллий ҳокимликлар заҳира маблағлари ҳисобидан электр таъминоти билан узлуксиз таъминлаш, электр ва коммуникация тармоқлари симлари ўтказилишини таъминласин;

худудий Соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда дала маркази худудида малакали тиббий хизмат кўрсатиш, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш учун дезинфекция, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан жиҳозлаш;

худудий Маданият бошқармалари билан биргаликда дала марказларида видеопроектор, бадий адабиётлар, турли хил стол ўйинлари билан жиҳозлаш;

маҳаллий ҳокимликнинг заҳира маблағлари ҳамда фермер ёки кластер хўжаликлари ҳисобидан теримчиларнинг кундалик 3 маҳал овқатланишини, шу жумладан дала майдонида тушлик олиб борилишини ҳамда озиқ-овқат ва кундалик истеъмол товарлари чакана нархларда сотилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда дала марказларини мобиль алоқа хизматлари ҳамда интернет билан таъминлаш ишларини тегишли Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё вилоят ҳокимликлари буюртманомаларига асосан белгиланган тартибда техник имкониятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширсин;

пахта теримчиларининг дала майдонларига кунлик бориб-келиши учун транспорт воситаларини ажратсин ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишига эътибор қаратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё вилоят ҳокимликлари:

**15 сентябрга қадар** мазкур фармойишнинг 2, 2а ва 2б-иловасига мувофиқ ўз худудида дала марказларини ташкил этсин;

ташкил этилган дала марказларида вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, худудий қишлоқ, сув хўжалиги бошқармалари, бандлик ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик учун иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини пахтани йиғиб-териш олиш жараёнига уюшган ҳолда жалб этиш тизимини жорий этиш масалалари бўйича семинарлар ўтказилишини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи корхоналардан зарурий дала чодирларини ва техник жиҳозларни сотиб олиш юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминлаш.

### **Иккинчи бўлим. Дастурнинг асосий йўналишлари**

#### **2-боб. Вазирлик тизимининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир ташкилий чора-тадбирлар**

4. Меҳнат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажарилишда коррупцияга йўл қўймаслик ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги мезонларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш.

5. Меҳнат органлари ходимларининг фаолиятини жисмоний ва юридик шахслар томонидан онлайн тартибда баҳолаш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

6. Меҳнат органлари фаолиятида коррупция келтириб чиқариш хатарлари мавжуд бўлган соҳаларни аниқлаш мақсадида фуқаролар ўртасида Вазирликнинг телеграм каналида ва “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида “Коррупцияни бирга енгамиз” мавзусида ижтимоий сўровни ўтказиш ва сўров натижаларини таҳлил қилиб унинг омилларини бартараф этишга қаратилган “йўл хариталарини” ишлаб чиқиш.

7. Вазирлик тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи хавфни аниқлаш ва бошқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

8. Вазирлик сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда меҳнат органларидаги вакант иш ўринлари ҳамда номзодларга қўйилган талаблар ҳақида маълумотлар жойлаштириб борилишини таъминлаш.

9. Меҳнат органлари ходимларининг аттестациядан ўтказилиш жараёнида жамоатчилик вакиллари иштирокини, шунингдек, видеоёзув тарзда ўтказилишини жорий қилиш орқали шаффофликни таъминлаш.

10. Меҳнат органларида ишлаётган ходимларни жой-жойига қўйиш бўйича масалаларни қайта кўриб чиқиш. Бунда узоқ вақт давомида битта лавозимда ишлаб самарали фаолият олиб бораётган ходимларни аниқлаш ва уларни камида бир поғона юқорироқ лавозимларга ўтказиш амалиётини қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш.

пахта йиғим-терим жараёни якунлангандан сўнг Жиззах ва Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармасидан дала марказларини ташкил этиш учун харид қилинган дала чодирларини вилоят ҳудудида жойлашган харбий қисмларда вақтинчалик сақлаш чораларини кўрсин;

дала марказларидаги чодирларни қуриш ва йиғиштириш жараёнида ҳудуддаги харбий қисмлар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

12. “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш комиссияси:

**бир ҳафта муддатда** Жиззах ва Қашқадарё вилоят ҳокимликларига пахта йиғим-терими мавсумида вақтинча фойдаланиш учун ёрдам сифатида “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги пахта тозалаш корхоналарида мавжуд бўлган 900 дона (40 киши учун мўлжалланган 6х12 метр ўлчамда) дала чодирларини (палаткалар) ажратсин ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида пахта тозалаш корхоналари омборларидан олиб кетилишини ташкил этсин;

Жиззах ва Қашқадарё вилоят ҳокимликлари, пахта йиғим-терим мавсуми якунлангандан сўнг дала марказларида вақтинча фойдаланиш учун ажратилган дала чодирларини топшириш-қабул қилиш далолатномаларига асосан сифат ва бутлигини сақлаган ҳолда “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги пахта тозалаш корхоналарига қайтарилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

**икки ҳафта муддатда** дала марказларида пахта теримчилари учун овқатланиш меъёрларини тасдиқласин;

тиббий ёрдам кўрсатиш учун дала марказлари ҳудудида малакали тиббиёт ходимларини жалб қилиш, зарур инвентар жиҳозланиши ва дори воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

тиббий ёрдам кўрсатиш учун дала марказлари ҳудудида малакали тиббиёт ходимларини жалб қилиш, зарур инвентар жиҳозланиши дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси жойларда дала марказларини жойлаштириш учун меҳнат ресурслари тақчиллиги, технологик хариталар ва пахта хомашёси ҳосилининг ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш юзасидан дала марказлари фаолиятини ахборот ва методик қўллаб-қувватласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги дала марказлари ҳудудида маданий-хордик чиқариш тадбирларини, жумладан, видеопроектор, бадий адабиётлар, турли хил стол ўйинлари билан жиҳозлашни ҳамда маданий-оммавий тадбирларни (концертлар, маданият ва санъат намояндалари билан учрашувлар) ташкил этсин.

11. Меҳнат органлари ходимларининг ижтимоий аҳволини ўрганиб бориш тизимини жорий этиш. Бунда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва кўп болали ходимлар рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш ҳамда заруриятга кўра, моддий жиҳатдан таъминлаш чораларини кўриб бориш бўйича таклифлар тайёрлаш.

12. Меҳнат органларида товар-моддий бойликларнинг адолатли тақсимланишини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш. Бунда ходимларнинг иш ҳажми ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, хизмат автомобиллари ва бошқа моддий бойликлардан фойдаланиш тартибини белгилаш.

13. Давлат харидлари бўйича ҳар бир товар позицияси кесимида харид нархларини вилоятлар ва республика бўйича таҳлил қилиб бориш, нархларни энг мақбул бўлишига эришиш.

14. Меҳнат органлари тизимида ходимларга ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини мониторинг қилиш имкониятини яратиш, ходимлар учун шикоятлар бериш имкониятини кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

15. Меҳнат вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмаларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ маълумотларни (давлат харидлари билан боғлиқ шартномалар рўйхатини) вазирлик ҳамда меҳнат органлари веб-сайтларида эълон қилиб бориш.

16. Меҳнат органлари фаолиятида, коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш.

17. Меҳнат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва таҳлил қилиш. Бунда мураккаб бўлган давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциявий бўшлиқлари мавжуд бўлган нормаларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

### **3-боб. Вазирлик тизимида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш ва ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш**

18. Вазирлик тизимида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва тарқатиш.

16. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига дала марказлари фаолиятини ва уларда теримчилар учун яратилган меҳнат ва яшаш шароитлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

17. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў.И. Барноев, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов, Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Ғ. Мирзаев, Жиззах вилояти ҳокими Э.А. Салиев ва Қашқадарё вилояти ҳокими З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**А. Арипов**

19. Меҳнат органлари ходимларига коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрлаш ва тарқатиш.

20. Коррупцияга қарши курашиш мавзуси доирасида ижтимоий видеороликлар тайёрлаш ҳамда коррупция, ҳалоллик, тўғрилиқ, қонунга ҳурмат, адолат тантанаси мавзуларида тарғибот материаллари, дидактик материаллар, мультипликацион фильмлар тайёрлаш.

21. Меҳнат органларида “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” тадбирларини ташкил қилиш.

**4-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш ҳамда имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш**

22. Вазирликнинг веб-сайтида ходимлар устидан шикоят қилиш имконини берувчи махсус саҳифа очиш, келиб тушган шикоятларни мунтазам таҳлил қилиш ва натижалари бўйича асослантирилган таклифлар тайёрлаш механизмини йўлга қўйиш.

23. Меҳнат органлари маъмурий биноларида жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакилларини қабул қилишда видео ва аудиога ёзиб олиш тизимини жорий этиш орқали шикоятлар келиб тушишини олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

24. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида коррупциянинг ҳолатини, унинг жиҳатларини, кўламини, ўсиш суръатларини ҳамда тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини Вазирлик марказий аппарат, ҳудудий ва тасарруфий ташкилотлар кесимида ўрганиш юзасидан тадқиқотлар ўтказиш.

25. Меҳнат органларида мансаби юқорироқ бўлган ходимнинг шахсий ишларини (кўчадаги ишларни битиртириши, фарзандини таълим муассасасидан олиб келтириши ва ҳ.к.) амалга ошириши учун ўзидан пастрок лавозимда бўлган ходимга кўрсатма берганлиги юзасидан мониторинг ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва натижаси бўйича тегишли мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш.

**Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда дала марказларини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳининг**

**ТАРКИБИ**

1. Н.Б. Хусанов – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, *ишчи гуруҳи раҳбари*
2. Н.Г. Якубов – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари, *ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари*
3. Ш.Ж.Тешаев – Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари
4. А.Э. Эргашев – Молия вазири ўринбосари
5. Г.М. Маъруфова – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари
6. Ж.Ш. Носиров – Мадания вазирининг биринчи ўринбосари
7. К.А. Юлдашев – Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари
8. Э.А.Салиев – Жиззах вилояти ҳокими, *ишчи гуруҳи ҳамраҳбари*
9. З.Т. Мирзаев – Қашқадарё вилояти ҳокими, *ишчи гуруҳи ҳамраҳбари*
10. Ғ.Ғ. Мирзаев – Сирдарё вилояти ҳокими, *ишчи гуруҳи ҳамраҳбари*
11. Б.Б. Мухаммадсаидов – “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси ўринбосари
12. Р.О. Райимов – “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари
13. Ж.А. Жуманиязов – Мудофаа саноати давлат қўмитаси бўлим бошлиғи
14. Т.Б. Абдуназаров – Жиззах вилояти Бандлик бош бошқармаси бошлиғи, *ишчи гуруҳи котиби*
15. Б.Қурбонов – Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси бошлиғи, *ишчи гуруҳи котиби*
16. М.М.Мухаммадиев – Сирдарё вилояти Бандлик бош бошқармаси бошлиғи, *ишчи гуруҳи котиби*

26. Вазирликка тизимидаги “Ишга марҳамат” банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Мономарказ” ва ўқув муассасаларига ҳужжатларни қабул қилишнинг электрон тизимни яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

27. Меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш республика курслари ўқув курслари якуни бўйича тингловчилар ўртасида машғулотларни олиб борган профессор-ўқитувчилар ҳақида аноним сўровномалар ўтказиш.

28. Бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш Республика илмий марказида олиб борилаётган тадқиқотлар сифатини ўрганиш ҳамда босқичма-босқич шифрлаш (код) тартибини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

29. Меҳнат органларига мурожаат этишда электрон навбат тизимини жорий этиш.

30. Меҳнат органларига мурожаат қилувчилар томонидан кўрсатилган хизмат сифатини баҳолаш тизимини жорий этиш.

31. Худудий ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари билан ҳар чорақда камида бир марта Вазирлик томонидан профилактик суҳбатдан ўтказиш тартибини жорий этиш.

32. Меҳнат органларида хизматларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда реал вақт режимидаги масофавий марказлаштирилган аудио ва видеокузатув тизимини жорий этиш.

33. Меҳнат органлари мансабдор шахслари томонидан содир этилган коррупцияга оид хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар берган шахсларни мукофотлаш тартибини жорий этиш.

34. Ваколатли меҳнат органлари томонидан бошқа ташкилотларда ўрганиш ўтказишда одоб-ахлоқ қоидаларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш. Бунда ўрганиш ўтказилаётган ташкилот ходимлари билан бирга умумий овқатланиш жойларига боришни тақиқлашни назарда тутиш.

35. Хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларни белгиланган тартибда қоплашнинг қатъий механизминини белгилаш. Бунда худудий ва тасарруфий ташкилотларга комплекс текшириш учун юборилган ходимларга хизмат сафари харажатлари учун ажратиладиган маблағларни кўпайтириш ҳамда йўл харажатлари, меҳмонхона ва овқатланишга ишлатилган маблағларни фақатгина ходимнинг пластик карточкасида тўланганлигини тасдиқловчи чеклар тақдим этилганда ушбу харажатларни қоплаб бериш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш.



### **Учинчи бўлим. Дастурнинг қабул қилинишидан кутилаётган натижалар**

36. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш дастурини амалга оширишдан қуйидаги натижалар кутилмоқда:

Вазирлик тизимида коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олди олинishi;

Вазирлик тизимидаги ташкилотлар фаолиятининг очиқлигига эришилиши ва зиммасига юклатилган вазифалар ижросига нисбатан ходимлар масъулиятининг янада ортиши;

меҳнат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари фаолияти самарадорлиги янги мезонлар асосида баҳоланиши;

меҳнат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг юксалиб бориши;

меҳнат органларининг фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш.

Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазирининг  
2020 йил “21” сентябр даги  
191-УЗ -сон буруғига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги  
тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда - Вазирлик деб юритилади)нинг ички меҳнат тартиб-қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда фаолиятда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, олдини олиш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги барча ташкилотлар ходимларига уларнинг эгаллаб турган лавозими ва хизмат ваколатларидан қатъий назар қўлланиди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**уруғ аймақчилик** – ходимнинг умумий аждодга эга бўлган муайян қариндошга мансублиги асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, илтифотли ва ноҳолис муносабатда бўлиш шаклидаги шахсий манфаатини намоён этилиши;

**алоқадор шахслар** – ходим билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно.

**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкилотлар ходимининг мансаб ёхуд хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришга таъсир кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан меҳнат органи (тасарруфий ташкилот) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**махаллийчилик** – шахсни фақатгина қариндошлиги (қариндошни ҳамма билиши/машхурлиги ва унинг жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилган) ва бундай шахснинг ҳокимият ваколатига эга бўлган органлардаги қариндошларининг хизмат мавқеи сабабли лавозимга қўйиладиган малака талабларини ҳисобга олмасдан ишга ёллаш, ротация қилиш, лавозимга тайинлаш;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажарилишига таъсир

қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

**непотизм (таниш-билишчилик)** – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ғайриқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар манфаатлари зарарига яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

**хомийлик** – ён босиш, қолганларга нисбатан қулайроқ меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклида меҳнат органи ёки тасарруфий ташкилот ходимини юқори лавозимдаги ходим томонидан ҳимоя қилиниши;

**потенциал манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкилотлар манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва меҳнат органлари ёхуд тасарруфий ташкилотлар ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

**манфаатлар тўқнашувини ошқор қилиш** – ходимлар томонидан потенциалли ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

**ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари) меҳнат органлари манфаатларига бевосита қарама-қарши бўлган вазият;

**манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш** – меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкилотлар томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлар) меҳнат органи ёки тасарруфий ташкилот манфаатларидан устун келиши хавфини қамайтириш ёки бартараф этиш;

**фаворитизм** – ходим бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар манфаатларини бошқа шахс ва (ёки) гуруҳ манфаатларидан устун қўйиш, шу билан бирга, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, лавозими бўйича кўтариш, мукофотларни ҳисоблаш ва давлат мукофотларига тавсия қилиш, меҳнат таътиллари бериш ёки санаториялар ва хориж сафарларига юбориш, мурожаатларни кўриб чиқиш навбатини, шунингдек, иш вақтини белгилаш шулар жумласидандир.

4. Меҳнат органлари ва муассасалари ҳамда уларнинг ходимлари манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида қуйидаги асосий принципларга риоя қилиши шарт:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ходимнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришда давлат манфаатларини шахсий манфаатдорлигидан устун қўйиши;

хизмат жараёнида ошкоралик, виждонлилик ва холислик асосида қарорлар қабул қилиши;

ходимлар томонидан потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг мажбурийлиги;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чоралар устуворлиги;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиш;

манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашув;

ушбу Низомда белгиланган тартибда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари томонидан тақдим этилган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг ҳамда маълумот берувчи шахсларнинг сир сақланишини таъминлаш;

агар ходим бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда меҳнат органи ёки тасарруфий ташкилот манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёр бўлса, уни ҳақиқий ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги.

## **2-БОБ. МАСЪУЛ ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

5. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришда ва (ёки) меҳнат органи ёхуд тасарруфий ташкилотнинг манфаатларини ифодалашда ушбу Низомда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

6. Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Вазирлик тизими ходимлари:

ушбу Низомнинг талабларига қатъий риоя қилиши;

фақат меҳнат органи ва тасарруфий ташкилотлар манфаатларини кўзлаши;

ўз хизмат мавқеидан фақат меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар манфаатлари йўлида фойдаланиши;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида ўз раҳбариятини хабардор қилиши;

непотизм (қариндошлик), фаворитизм, маҳаллийчилик, хомийлик ва уруғ-аймоқчиликнинг намоён бўлишига қатъий чек қўйиши, бундай ҳолатлар тўғрисида дарҳол Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбасига хабар бериши;

потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиш;

ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслари тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлардаги иштироки ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ ва виждонан ошкор қилиши шарт.

7. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг ходими қуйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак, агар:

ходимнинг бевосита бўйсинувида яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар бўлса;

ходим яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ходимларга (жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотлар, устамаларга тақдим этиш ва уларнинг миқдорини белгилашга) оид қарорлар қабул қилишда иштирок этса;

ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари тижорат ташкилотларида улушга ёки акцияларга эга бўлса (Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно);

ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари нодавлат нотижорат ташкилотларининг бошқарувида маълум бир лавозимни эгаллаб турган бўлса;

ходим ўзининг меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар томонидан ўзининг шахсий манфаатдорлиги бўлган товарлар, ишлар ёки хизматларни харид қилиш ҳақида қарор қабул қилишда иштирок этса.

8. Ушбу Низомнинг 6-бандида келтирилган ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолатларда ҳам манфаатлар тўқнашуви вужудга келиши мумкин. Манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини аниқлаш учун ҳар бир алоҳида вазият барча ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда алоҳида кўриб чиқилади. Ушбу Низомда назарда тутилмаган янги манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланган тақдирда, мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим.

9. Меҳнат органлари ходимларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10. Мазкур Низомнинг 6-иловасида кўрсатилган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш учун ходим қарор чиқаришдан аввал ёки хизмат ваколатларини амалга оширишдан олдин ўзига қуйидаги саволларни бериши

лозим: “Мен виждонан ва холисона қарор қабул қила оламанми?”, “Агар ушбу қарорни меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг бошқа ходими қабул қилса, менинг фикримга ўхшаш фикирган келармиди?”. Агар ходим иккита саволдан бирига “йўқ” деб жавоб берса, манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш хавфи мавжуд бўлади.

11. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ чоралар кўришлари керак.

### **3-боб. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

12. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларда вакант бўлган иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш, ротация қилиш ва лавозимини кўтаришда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш (ҳар йиллик декларация);

потенциал ёки ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви факти бўйича маълумотларни ошқора қилиш.

13. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг бўш иш жойларига номзодларнинг, ходимларнинг уларни лавозимга тайинлаш, лавозимини кўтариш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш Кадрлар масалаларига масъул тузилма (бошқарма/бўлим/инспектор)га қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади:

маълумотнома-объективка ва мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги (ходим томонидан ички ҳужжатларда назарда тутилган ҳужжатларни аввал тақдим этилганлигидан қатъий назар) маълумотлар (яқин қариндошлар, алоқадор шахслар, устав капиталида ходим ёки унинг яқин қариндошларининг улуши бўлган юридик шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотларида ходимнинг ва (ёки) унинг раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган яқин қариндошларининг иштироки);

ишга қабул қилинаётганда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза тўлдирилади.

14. Манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Кадрлар масалаларига масъул тузилма (бошқарма/бўлим/инспектор) томонидан ходим томонидан тақдим этилган ҳужжатлар уларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича текширилади. Манфаатлар тўқнашуви аниқланганда Кадрлар масалаларига масъул тузилма

(бошқарма/бўлим/инспектор) манфаатлар тўқнашуви ва уни ҳал қилиш учун чора кўриш зарурлиги ҳақида ёзма шаклда Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбасига хабар қилади;

ходимнинг бевосита раҳбари ушбу маълумотларни олган пайтдан бошлаб манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чораларини кўради ва бу ҳақда ёзма шаклда хизмат хати кўринишида Кадрлар масалаларига масъул тузилма (бошқарма/бўлим/инспектор)га хабар қилади;

Кадрлар масалаларига масъул тузилма (бошқарма/бўлим/инспектор)нинг масъул ходимининг бевосита раҳбаридан кўрилган чоралар билан хизмат хатини олган пайтдан бошлаб 5 иш куни ичида манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ва мақбуллигини кўриб чиқиш учун аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни Меҳнат органининг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қабул қилинади.

15. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг ходими манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумотни ротация/лавозимга тайинлашда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/йўқлиги ҳақида ариза топшириш йўли билан ҳар йили ошкор қилиши лозим.

Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ошкор қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг барча ходимлари ҳисобот даврида юз берган воқеалар ва ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида Кадрлар масалаларига масъул тузилма (бошқарма/бўлим/инспектор)га бир йилда бир мартта хабар бериши шарт;

Вазирликнинг Кадрлар бошқармаси томонидан ҳар йили 15 январга қадар меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги / мавжуд эмаслиги ҳақида хабар бериш зарурлиги тўғрисида топширик беради;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг ходимлари ҳар йили 15 февралга қадар манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни ротация/лавозимга тайинлашда ва мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ҳар йили ариза топширишда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги / мавжуд эмаслиги ҳақида аризани тўлиқ ва тўғри тўлдиришлари ва тўлдирилган аризани Кадрлар масалаларига масъул тузилма (бошқарма/бўлим/инспектор)га тақдим этишлари лозим;

Вазирликнинг Ташкилий ва ижро интизоми назорати бошқармаси ходимларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги / мавжуд эмаслиги ҳақида хабар бериш зарурлиги тўғрисидаги топширикни барча меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларга етказди;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг Кадрлар масалаларига масъул тузилма (бошқарма/бўлим/инспектор)лари ҳар йили 10 мартга қадар манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини кўрсатган ходимларни аниқлаш учун

манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида олинган аризаларни таҳлил қилади;

бундай ходимлар ҳақидаги маълумот уларнинг бевосита раҳбарларига етказилади ҳамда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг Одоб-ахлоқ комиссияларига ёки Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбасига юборилади (агар Одоб-ахлоқ комиссия аъзоларида манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда);

Одоб-ахлоқ комиссияси ходимнинг бевосита раҳбари ва (зарурат бўлганда) ходим иштирокида 20 мартга қадар манфаатлар тўқнашуви ҳолатини кўриб чиқади ва манфаатлар тўқнашуви билан тавсифланадиган вазиятларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида қарор қабул қилади;

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги / мавжуд эмаслиги ва уларни ҳал қилиш бўйича мўлжалланаётган чоралар ҳақидаги якуний қарор Одоб-ахлоқ комиссиясининг баённомасига киритилади ва ходимга етказилади. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича тасдиқланган чора-тадбирларни амалга ошириш устидан назорат қилиш бўйича жавобгарлик ходимининг бевосита раҳбари зиммасида бўлади;

Вазирликнинг Кадрлар бошқармаси 25 мартга қадар меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг Кадрлар масалаларига масъул тузилмаси (бошқарма/бўлим/инспектор) томонидан мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрига киритиладиган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида электрон маълумотларни жамлайди ва сақлайди;

меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг Кадрлар масалаларига масъул тузилмаси (бошқарма/бўлим/инспектор) мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари реестрини тўлдиради, Вазирликнинг Кадрлар бошқармаси томонидан уларни жамлаш ишлари амалга оширилади;

ҳар йили I чорақда Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси масъул ходими Вазирликнинг Кадрлар бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича статистика таҳлилин Вазир ва Вазирлик Ҳайъатига кўриб чиқиш учун коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳисобот киритади.

16. Мавжуд ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

вазирлик тизимининг ҳар қандай ходимида манфаатлар тўқнашуви келиб чиққанда, у бу ҳақда бевосита раҳбарига ҳақиқий ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви сифатида тавсифланадиган ҳолатни батафсил баён этиб мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хабар бериши лозим;

кўрсатилган маълумот ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви келиб чиққан ёки ходимга манфаатлар тўқнашуви маълум бўлган пайтдан бошлаб 1 (бир) иш куни ичида ёзма шаклда тақдим этилиши керак;



ходимнинг бевосита раҳбари ходимдан ёзма хабарни олган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни кўриб чиқиши ва манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда ходимнинг манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиш эҳтимоли ҳақидаги хабарномасида тегишли маълумотни тўлдириб, уни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши лозим;

хабарнома ходим томонидан бир иш куни ичида Кадрлар масалаларига масъул тузилма (бошқарма/бўлим/инспектор)га рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш учун тақдим этилади;

Кадрлар масалаларига масъул тузилма (бошқарма/бўлим/инспектор) хабарномани олиб, бир иш куни ичида манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилиги ва мақбуллиги ҳақида қарор чиқариш учун Одоб-ахлоқ комиссиясининг энг яқин вақтдаги мажлиси кун тартибига киритиш лозим. Одоб-ахлоқ комиссиясининг қарори Одоб-ахлоқ комиссиясининг мажлиси баённомасига киритилади ва ходимга у тузилган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида (имзо қўйдириб) маълум қилинади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг аъзоси, агар унда Комиссия мажлисида манфаатлар тўқнашуви кўриб чиқилаётган ходимга нисбатан манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда қарор қабул қилишда иштирок этмайди;

агар манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлган аниқ вазият Одоб-ахлоқ комиссиясининг аъзоларига алоқадор бўлса, бундай маълумотлар олинган кундан бошлаб бир иш куни ичида Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбасига тақдим этилиши лозим;

манфаатлар тўқнашувининг ҳал этилишига қараб меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилинади ҳамда ҳал қилиш учун меҳнат органи ёки тасарруфий ташкилотнинг раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим қилинади;

ходимлар томонидан ошкор этилган мавжуд ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳамда уларни ҳал этиш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги маълумот Одоб-ахлоқ комиссиясининг мажлиси баённомаси тузилганидан сўнг уч иш куни ичида Реестрда акс эттирилади.

#### **4-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари**

17. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар манфаатларининг бузилишини олдини олиш учун мавжуд манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари имкон қадар тезроқ амалга оширилиши лозим.

18. Вазирлик тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқаришда қуйидаги чоралар белгиланиши керак:

бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор қабул қилиш жараёнида қатнашишдан ходимнинг ўз ихтиёрига

кўра четлашиш / ўзини рад этиш ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштирилиши;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиш;

ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг маълумотлари ва ҳужжатларидан фойдаланишини чеклаш;

юқорироқ лавозимни эгаллаб турган яқин қариндош ва (ёки) алоқадор шахсга нисбатан лавозимни кўтариш, фаолиятини баҳолаш, мукофот пулларини тўлаш ва иш ҳаққига устамаларни ҳисоблаш, ўқишга ва тренингларга ҳамда ҳар қандай масалалар бўйича хорижга юбориш, меҳнат таътилига чиқаришга розилик бериш ва иш ҳақини назорат қилиш ҳақида жамоавий тарзда қарор қабул қилинишини таъминлаш;

ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид функцияларни бажаришини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш ва бошқа ҳолатлар.

19. Истисно ҳолатларда, ушбу Низомнинг 14-бандида санаб ўтилган чоралар манфаатлар тўқнашувини тўлиқ тартибга солмаган тақдирда, қуйидаги тартибга солиш чоралари кўрилиши мумкин:

Ходим томонидан меҳнат органлари ва (ёки) тасарруфий ташкилотларнинг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиш;

Ходим томонидан меҳнат органлари ва (ёки) тасарруфий ташкилотларнинг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечмаганда уни ишдан бўшатиш (меҳнат шартномасини бекор қилиш)га тавсия бериш.

20. Ҳар бир вазиятда, манфаатлар тўқнашуви предметини белгилаб берадиган фактдан келиб чиқиб, ходим билан меҳнат органи ёки тасарруфий ташкилотнинг келишувига кўра уни ҳал қилишнинг бошқа чоралари қўлланилиши мумкин. Кўриладиган чоралар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши ва мазкур Низомда белгиланган тамойилларни амалга оширилишини таъминлаши лозим.

### **5-боб. Ахборотнинг конфиденциаллиги**

21. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда қатнашадиган ходимлар олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаши ва ушбу маълумотлардан факат кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш чораларини кўриши ҳамда ушбу жараёни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланилишини таъминлаши лозим.

22. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларида манфаатлар тўқнашуви факти ёки гумони ҳақида хабар билан мурожаат қилинганда уни кўриб чиқиш меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкилотларнинг Кадрлар масалаларига масъул тузилмаси (бошқарма/бўлим/инспектор) томонидан амалга оширилади.

## 6-боб. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар

23. Меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг Кадрлар масалаларига масъул тузилмаси (бошқарма/бўлим/инспектор) манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга киритиш йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ юритиши шарт.

24. Ҳар бир меҳнат органи ва тасарруфий ташкилотнинг Кадрлар масалаларига масъул тузилмаси (бошқарма/бўлим/инспектор) тегишли меҳнат органи (тасарруфий ташкилот) ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини ўз вақтида ва тўлиқ юритилишига жавобгар ҳисобланади.

25. Вазирликнинг Кадрлар бошқармаси манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотларнинг Реестрини ҳар чоракда (ёки заруратга кўра) йиғиш ва умумлаштириш йўли билан тўплаши лозим.

26. Маълумот Реестрига қуйидаги ҳолатлар киритилиши керак:

меҳнат органлари ва (ёки) тасарруфий ташкилотларга ишга қабул қилишда – Одоб-ахлоқ комиссиясининг баённомаси тузилган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан, агар номзод манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги / мавжуд эмаслиги ҳақида аризада манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини кўрсатган бўлса ва Одоб-ахлоқ комиссияси манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

лавозимга тайинлаш / ротация вақтида манфаатлар тўқнашувини ошкор қилишда – меҳнат органи ёки тасарруфий ташкилот раҳбари томонидан буйруқ имзоланган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан;

манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишига кўра – Одоб-ахлоқ комиссиясининг баённомаси тузилган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан, агар Одоб-ахлоқ комиссияси манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкилотларнинг ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотни ҳар йили декларация қилинганда – мазкур Низомнинг 12-бандига мувофиқ;

Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма бўлганда коррупциявий тавсифдаги маълумотни хабар қилиш учун манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ҳақида алоқа каналларидан олинган маълумот тасдиқланганда;

ички хизмат текширувлари ўтказилганда ва Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва талабларига риоя қилиниши мониторинг қилинганда ҳамда Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма бўлганида.

Ходимларнинг манфаатлар тўқнашувига тегишли бўлган ариза ва хабарномалари ҳамда бошқа маълумотлар меҳнат органлари ва тасарруфий

ташкilotларнинг Кадрлар масалаларига масъул тузилмаси  
(бошкарма/бўлим/инспектор)да сақланиши шарт.

### **7-боб. Жавобгарлик**

27. Барча ходимлар эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, ушбу Низомнинг талабларига риоя қилиш, шунингдек, ўз манфаатларининг тўкнашуви тўғрисида меҳнат органи ва тасарруфий ташкilotга ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

28. Манфаатлар тўкнашуви келиб чиққан ходимлар тегишли маълумотларни таҳлил қилиш ва бошқа текширишларни ўтказишда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкilotларнинг масъул шахсларига кўмаклашишлари лозим.

29. Ходимнинг манфаатлар тўкнашуви тўғрисидаги маълумотларини яшириш ва (ёки) қасддан ўз вақтида ёки тўлиқ ошкор этмаслиги, меҳнат органлари ва тасарруфий ташкilotлар манфаатларининг бузилишига олиб келганлиги ёки олиб келмаганлигидан қатъий назар, қабул қилинган ахлоқий нормалар, меҳнат интизоми ҳамда меҳнат органлари ва тасарруфий ташкilotларнинг ички талаблари бузилиши сифатида қаралади.

30. Манфаатлар тўкнашуви ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш, кўриб чиқиш ҳамда манфаатлар тўкнашувини тартибга солиш бўйича масъул ходимлар, шу жумладан ушбу маълумотлардан фойдаланиш ваколатига эга ходимлар томонидан ахборотнинг конфиденциаллигини ҳар қандай кўринишда бузилиши ходимни интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

31. Ходимда у онгли равишда мазкур Низомда белгиланган тартибда масъул мансабдор шахсларга хабар бермаган, хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажармаслигига олиб келган ва (ёки) меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкilotлар манфаатларининг бузилишига олиб келган манфаатлар тўкнашуви аниқланганда, бундай ходим Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва меҳнат органлари ва тасарруфий ташкilotларнинг ички ҳужжатларида белгиланган асосларда ва тартибда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва  
меҳнат муносабатлари вазирлиги  
тизимида манфаатлар тўқнашувини  
бошқариш тўғрисида низомга  
1-илова

## МАЪЛУМОТНОМА

**Шералиев Каримжон Вахобович**

Расм 3\*4  
охирги 1 ой  
давомида  
олинган  
(орка фон ок  
рангда)

2018 йил 28 январдан:

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Юридик  
бўлими бош юрисконсулти**

**Туғилган йили:**

17.06.1993

**Миллати:**

ўзбек

**Маълумоти:**

олий

**Маълумоти бўйича мутахассислиги:**

**Илмий даражаси:**

йўқ

**Қайси чет тилларини билади:**

рус тили, инглиз тили

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):**

йўқ

**Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки  
бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**

йўқ

**Туғилган жойи:**

Қашқадарё вилояти, Китоб тумани

**Партиявийлиги:**

йўқ

**Тамомлаган:**

2018 й. Тошкент давлат юридик  
университети (кундузги)

хуқуқшунос

**Илмий унвони:**

йўқ

## МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

**2014-2018 йй. -** Тошкент давлат юридик университети талабаси

**2018-2019 йй.-** Ташки меҳнат миграцияси агентлиги Фуқароларни чет элда ишга  
жойлаштириш масалалари департаменти Чет элда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга  
ошириш истагида бўлганларни топиш ва рўйхатга олиш бўлими етакчи мутахассиси

**2019 й. - ҳ.в. -** Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирлиги Юридик бўлими бош юрисконсулти

**Шералиев Каримжон Вахобовичнинг яқин қариндошлари ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

<b>Т/р</b>	<b>Қариндошлиги</b>	<b>Фамилияси, исми ва отасининг исми</b>	<b>Туғилган йили ва жойи</b>	<b>Иш жойи ва лавозими</b>	<b>Турар жойи</b>
1	Отаси	Шералиев Шохруз Абдиқаримович	1967 йил, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани	пенсияда. Миллий хавфсизлик хизмати	Тошкент шаҳар Миробод тумани Нурота кўчаси 7 уй, 5 хонадон.
2	Онаси	Шералиева Муяссар Суяровна	1973 йил, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани	Асака Банк, Чиноз филиали бухгалтер	Тошкент шаҳар Миробод тумани Нурота кўчаси 7 уй, 5 хонадон
3	Укаси	Шералиев Шукрулло Шохруз ўғли	1996 йил, Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Иш юритувчи мутахассис	Тошкент шаҳар Миробод тумани Нурота кўчаси 7 уй, 5 хонадон
4	Укаси	Шералиев Шавкат Шохруз ўғли	2004 йил, Тошкент шаҳри	1 Юридик коллеж ўқувчиси	Тошкент шаҳар Миробод тумани Нурота кўчаси 7 уй, 5 хонадон

Яқин қариндошларимнинг рўйхатини тўлиқ ва тўғрилигини тасдиқлайман:

Номзод: Шералиев Каримжон Вахобович \_\_\_\_\_

**МАЪЛУМОТ**

**тижорат ташкилотларининг устав фондида қатнашадиган**

\_\_\_\_\_ (тўлик исми)

**Билан боғлиқ томонлар тўғрисида**

<b>Тижорат ташкилотининг номи</b>	<b>Ф.И.Ш</b>	<b>Эгалик улуши</b>

**МАЪЛУМОТ**

**Устав фондида ўз улушига эга бўлган \_\_\_\_\_ (тўлик исми)**

**ва / ёки унинг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар**

<b>Юридик шахснинг номи</b>	<b>Эгалик ва қариндошлик даражаси</b>	<b>Эгалик ҳиссаси</b>	<b>Фаолиятининг асосий тури</b>

**МАЪЛУМОТ**

**нодавлат нотижорат ташкилотлар бошқарувида (тўлик исми) ва (ёки) унинг**

**яқин қариндошларининг иштироки тўғрисида**

<b>Нодавлат нотижорат ташкилотнинг номи</b>	<b>Ф.И.Ш. ва қариндошлик даражаси</b>	<b>Мажбурияти</b>

Ўзбекистон Республикаси Бандлик  
ва меҳнат муносабатлари вазирлиги  
тизимида манфаатлар тўқнашувини  
бошқариш тўғрисида низомга  
2-илова

**Лавозимга тайинланганда ёки йиллик декларацияни  
ўзгартириш / тайинлаш пайтида манфаатлар тўқнашуви  
мавжудлиги / мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризанинг  
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

<b>Ф.И.Ш. (тўлик):</b>	
<b>Номзод танловдан ўтаётган меҳнат органи ёки тасарруфий ташкилот</b>	
<b>Таркибий бўлинма:</b>	

Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:

**яқин қариндош** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари;

**алоқадор шахслар** – ходим билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно.

**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкилотлар ходимининг мансаб ёхуд хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришга таъсир кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан меҳнат органи (тасарруфий ташкилот) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажарилишига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари).



т/р	
1.	<p>Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг мавқеини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг <i>(агар улар ишламаса “Йўқ” деб ёзинг).</i></p>
2.	<p>Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (ёки якка тартибдаги тадбиркор бўлса), сиз эгаллаб турган лавозим манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?</p> <p><i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса “Иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса “Сабабини кўрсатинг”, олиб келмаса “Олиб келмайди” деб кўрсатинг)</i></p>
3.	<p>Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз нодавлат нотижорат ташкилотини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?</p> <p><i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса “Иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса “Сабабини кўрсатинг”, олиб келмаса “Олиб келмайди” деб кўрсатинг)</i></p>
4.	<p>Сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз давлат идораларида ва ташкилотларида ишлайдими?</p>
5.	<p>Сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкилотларда ишлашга шахсий қизиқиш билдирадими? Ҳа бўлса, батафсил ёзинг.</p>

т/р	
6.	Агар манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, уларни кўрсатинг.
7.	Зарур бўлса, қўшимча маълумотларни кўрсатинг.

Ушбу аризани имзолаб қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар **мавжуд / мавжуд эмас** (тегишли жавобнинг ост қисмига чизиқча чизинг);
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини тасдиқлайман ҳамда ушбу маълумотларни тегишли меҳнат органлари (тасарруфий ташкилотлар) томонидан текширишга розилик билдираман;
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган янги ҳолатлар тўғрисида тегишли меҳнат органлари (тасарруфий ташкилотлар)га дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш)

\_\_\_\_\_

(Имзо)

\_\_\_\_\_

(сана)

Ўзбекистон Республикаси Бандлик  
ва меҳнат муносабатлари вазирлиги  
тизимида манфаатлар тўқнашувини  
бошқариш тўғрисида низомга  
3-илова

**Ротация ёки тайинлаш ва йиллик декларацияни тўлдириш вақтида  
манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги / мавжуд эмаслиги  
тўғрисидаги аризанинг  
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

<b>Ф.И.Ш. (тўлиқ):</b>	
<b>Номзод танловдан ўтаётган меҳнат органи ёки тасарруфий ташкилот</b>	
<b>Таркибий бўлинма:</b>	
<b>Лавозими:</b>	
<b>Бевосита раҳбарнинг Ф.И.Ш ва лавозими</b>	

Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:

**яқин қариндош** – қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари;

**алоқадор шахслар** – ходим билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги ҳолатлари бундан мустасно.

**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкилотлар ходимининг мансаб ёхуд хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришга таъсир кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан меҳнат органи (тасарруфий ташкилот) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – меҳнат органлари ва тасарруфий ташкилотлар ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажарилишига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари).

т/р	
1.	<p>Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг мавқеини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг <i>(агар улар ишламаса “Йўқ” деб ёзинг).</i></p>
2.	<p>Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (ёки яқка тартибдаги тадбиркор бўлса), сиз эгаллаб турган лавозим манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?</p> <p><i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса “Иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса “Сабабини кўрсатинг”, олиб келмаса “Олиб келмайди” деб кўрсатинг)</i></p>
3.	<p>Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз нодавлат нотижорат ташкилотини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?</p> <p><i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса “Иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса “Сабабини кўрсатинг”, олиб келмаса “Олиб келмайди” деб кўрсатинг)</i></p>
4.	<p>Сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз давлат идораларида ва ташкилотларида ишлайдими?</p>
5.	<p>Сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ва/ёки алоқадор шахсларингиз меҳнат органлари ёки тасарруфий ташкилотларда ишлашга шахсий қизиқиш билдирадими? Ҳа бўлса, батафсил ёзинг.</p>

т/р	
6.	<p>Олдинги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ариза тўлдирилган вақтдан бошлаб, яқин қариндошлар ва алоқадор шахслар таркибида ўзгаришлар бўлганми? (Ўзгаришлар деганда: янги яқин қариндош / ёки алоқадор шахсларнинг ўлими ёки пайдо бўлиши, иш жойида ва лавозимида ўзгаришлар ҳамда тижорат ташкилотларининг устав капиталида ва /ёки нодавлат нотижорат ташкилотларини бошқарувидаги иштироки тушунилади).</p> <p><i>(Агар йўқ бўлса “Йўқ” деб ёзинг, ўзгаришлар ҳақида тўлиқ маълумот кўрсатинг).</i></p>
7.	<p>Агар манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган бошқа ҳолатлар бўлса, уларни кўрсатинг.</p>
8.	<p>Зарур бўлса, қўшимча маълумотларни кўрсатинг.</p>

Ушбу аризани имзолаб қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар **мавжуд / мавжуд эмас** (тегишли жавобнинг ост қисмига чизикча чизинг);
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини тасдиқлайман ҳамда ушбу маълумотларни тегишли меҳнат органлари (тасарруфий ташкилотлар) томонидан текширишга розилик билдираман;
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган янги ҳолатлар тўғрисида тегишли меҳнат органлари (тасарруфий ташкилотлар)га дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш)

\_\_\_\_\_

(Имзо)

\_\_\_\_\_

(сана)



Ўзбекистон Республикаси Бандлик  
ва меҳнат муносабатлари вазирлиги  
тизимида манфаатлар тўқнашувини  
бошқариш тўғрисида низомга  
5-илова

\_\_\_\_\_ га  
(бевосита раҳбарнинг Ф.И.Ш.  
тўлиқ)

\_\_\_\_\_ дан  
(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (лавозим ташкилот)

\_\_\_\_\_ (алоқа телефон рақами)

### ХАБАРНОМА

#### Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг  
2020 йил “ ” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сон буйруғига асосан мен,  
\_\_\_\_\_ 2020 йил “ ” \_\_\_\_\_ дан,  
(Ф.И.Ш лавозими ва вазифалари)

\_\_\_\_\_ сизга манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида  
қуйидагиларни хабар қиламан: \_\_\_\_\_

(Шахсий манфаатлар (тўғридан-тўғри ёки бевосита) хизмат вазифаларини бажаришга  
таъсир қилиши ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан  
меҳнат органи (тасарруфий ташкилот)нинг давлат манфаатларига зид қилиши мумкин  
бўлган вазиятни баён этилади).

\_\_\_\_\_ (сана) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

#### Ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тўлдирилади

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун қуйидаги ҳал қилиш чоралари  
кўрилди:

\_\_\_\_\_ (манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун кўрилган  
чоралар кўрсатилади)

\_\_\_\_\_ (сана) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси Бандлик  
ва меҳнат муносабатлари вазирлиги  
тизимида манфаатлар тўқнашувини  
бошқариш тўғрисида низомга  
6-илова

**Меҳнат органлари ва тасрруфий ташкилотларда манфаатлар  
тўқнашувини олдини олиш бўйича  
ТАДБИРЛАР**

Вазият	Даврийлиги	Амалга ошириладиган тадбирлар
Ишга қабул қилиш / ротація / лавозими ўзгариши	Бир вақтнинг ўзида	Яқин қариндошлар ва (ёки) алоқадор шахслар билан бир-бирларига тўғридан-тўғри бўйсинувда ишлашига йўл қўйилмаслигини таъминлаш.
		Ҳар бир ходимни мазкур Низом билан имзо қўйдирган ҳолда таништириш
		Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган шахсни танлов / аттестация комиссияси таркибидан чиқариш чораларини кўриш.
Харид қилиш шартномаларини тузиш	Бир вақтнинг ўзида	Контрагентлардан таъсисчилар, мулкдорлар, раҳбарлари ва якуний бенефициарлар тўғрисида маълумотларни сўраб олиш.
Давлат органлари ва ташкилотларнинг текширувлари	Бир вақтнинг ўзида	Ишчи гуруҳ таркибидан текширилаётган органлар ва ташкилотларда ишлаётган яқин қариндошлари ва алоқадор шахслари мавжуд ходимларни чиқариб ташлаш.
Ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисида аризаларни тўлдириш	Ҳар йили	Ходимларнинг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш.
Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқувларни ўтказиш	Ўқув режасига мувофиқ	Потенциал ва ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини, улар тўғрисида хабардор қилиш тартиби ва уларни тартибга солиш тўғрисида
Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиши бўйича маслаҳатлар	Амалий	Ходимларнинг манфаатларига зид бўлган низоларни бошқариш бўйича маслаҳатларни Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” шўъбаси, Одоб-ахлоқ комиссияси ёки алоқа каналлари орқали олинишини таъминлаш



Алоқа каналларига мурожаатларни қабул қилиш	Доимий	Ходимлар учун манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарларни ўз вақтида ва тўғри қабул қилинишини, рўйхатдан ўтказилишини ва қайта ишланишини доимий равишда таъминлаш.
Коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини мониторинг қилиш	Доимий	Самарадорликни мониторинг қилиш ва баҳолаш, жараёнларини автоматлаштириш ва икки ёки ундан ортиқ шахсларни мувофиқлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш орқали манфаатлар тўқнашувини бошқариш тизимини доимий равишда такомиллаштириш.
Ходимнинг манфаатлар тўқнашуви юзага келиши факти бўйича ошқора қилиши	Ошқор этилган тақдирда	Бевосита раҳбар томонидан тезкор ва самарали ҳал қилиш чораларини кўриш ҳамда унинг устидан Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан назорат олиб борилишини таъминлаш.